

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 210016 на приобретение Томди тумани
Маданият бўлимига 12 м2 LED Экран харид лилиш ва ўрнатиш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 17.12.2022

Время рассмотрения 09.12.2022 10:31

Конкурсная комиссия Томди туман Маданият ва спорт ишлари бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	UTEMURATOVA JULDIZAY DOSHANOVNA	Bo'lim mudiri	Tomdi tumani Madaniyat bo'limi
Член комиссии	MIRZAYEVA BIBIGUL RASBAYEVNA	Ёрдамчи хисобчи	Томди тумани Маданият бўлими
Секретарь комиссии	KURMANBAYEVA NURJAMAL SHALXARBEKOVNA	Бош мутахассис	Томди тумани Маданият бўлими
Член комиссии	BEKNAZAROV NURJAN NURMURZAYEVICH	Bosh hisobchi	Tomdi tumani Madaniyat bo'limi
Член комиссии	ISMAYLOVA AKMARAL BABAKULOVA	Tugarak va jamoalarnig ishini tashkil qilish bуйича mataxassis	Tomdi tumani Madaniyat bo'limi
Член комиссии	DAUTOVA AQERKE YERLAN QIZI	Rejissiyor	Tomdi tumani Madaniyat bo'limi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.12.2022 года № лота 210016.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	LED панель
Подробное описание	LED панель
Количество товара	1,00
Единица измерения	компл.
Цена товара (услуги) за единицу	160 000 000.00
Стартовая сумма	160 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Етказиб берувчи тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот гувоҳномази, устави, объектларнинг рўйхати бўйича манзилларига яни бошқа техник воситаларини етказиб бериш ва ўрнатиш ишларига тўлиқ тугатиб бериш мажбурияти бўйича кафолат хати./ Охириги 1 йилда ушбу объектга ўхшаш объектларни бажарганлиги тўғрисида маълумотномалар/ Участник имеется в Едином реестре недобросовестных исполнителей/ Moliyaviy balans korsatkichlarni taqdim eting/

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Ibrohim financial corporation МЧЖ	10	барча суралган хужжатлар	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		илова килинмоқда				
USI Tashkent Fortune	10	160000000	6	Экспертная		
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	10	1	7	Экспертная		

Критерий №2 Банк ва солиқдан қарзи йуклиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан қарзи йуклиги тугрисида маълумотнома, банк ҳисоб рақамида етарли маблагнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Ibrohim financial corporation МЧЖ	10	Суралган маълумотлар тақдим этилмоқда	10	Экспертная		
USI Tashkent Fortune	10	1	6	Экспертная		
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	10	1	8	Экспертная		

Критерий №3 Оффшорные зоны

Тип: Текстовое значение

Описание: Регистрация участника и/или банка участника в оффшорных зонах/ Предоставить сертификат или дилерский сертификат с соответствующим письмом./ по данному направлению от данного предприятия. Состояние участника в стадии судебного или арбитражного разбирательства/ с Заказчиком Предоставить справку от Банка что имеет финансовые средства на счету на данный период отбора/ предоставить полные справки

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Ibrohim financial corporation МЧЖ	10	Маълумотлар тақдим этилмоқда	8	Экспертная		
USI Tashkent Fortune	10	1	6	Экспертная		
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	10	1	8	Экспертная		

Критерий №4 Полное соответствие требованиям технического задания

Тип: Текстовое значение

Описание: Полное соответствие требованиям технического задания Если не соответствует то участник отстраняется от участия в отборе наилучших предложений

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Ibrohim financial corporation МЧЖ	10	Маълумот тақдим этилмоқда	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
USI Tashkent Fortune	10	1	6	Экспертная		
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	10	1	8	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: LED панель

Наименование участника	Ценовые предложения			Порядок оценки ценовых предложений	
	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
USI Tashkent Fortune	160 000 000.00	160 000 000.00 UZS	160 000 000.00	00.00	160 000 000.00
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	160 000 000.00	160 000 000.00 UZS	160 000 000.00	00.00	160 000 000.00
Ibrohim financial corporation МЧЖ	160 000 000.00	159 500 000.00 UZS	159 500 000.00	00.00	159 500 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 160 000 000.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	160 000 000.00 UZS	160 000 000.00	00.00	00.00	160 000 000.00	16.12.2022 10:18:52	19.9375
Ibrohim financial corporation МЧЖ	159 500 000.00 UZS	159 500 000.00	00.00	00.00	159 500 000.00	15.12.2022 00:02:55	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
USI Tashkent Fortune	Не прошел	Не прошел	Не прошел
"Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси	62	19.9375	81.9375
Ibrohim financial corporation МЧЖ	72	20	92

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 210016 от 17.12.2022 года на приобретение Томди тумани Маданият бўлимига 12 м2 LED Экран харид лилиш ва урнатиш хизмати определила победителем:

Ibrohim financial corporation МЧЖ
306279139

и резервный исполнитель: "Zar umid gunchalari" Нодавлат таълим муассасаси (302464204)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	UTEMURATOVA JULDIZAY DOSHANOVNA	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEVA BIBIGUL RASBAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	BEKNAZAROV NURJAN NURMURZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMAYLOVA AKMARAL BABAKULOVNA	Согласен	
Член комиссии	DAUITOVA AQERKE YERLAN QIZI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**210016 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш кун ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана:

19.12.2022 18:13

Комиссия раиси:

UTEMURATOVA JULDIZAY DOSHANOVNA

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

TB2706540024

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **LED ekran**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Tomdi tuman Madaniyat boshqarmasi tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Tomdi tuman yuridik
markazi
markaz rahbari:**



I.A.ABDULLAYEV

21.12.2022

Бундан буён “БЮЮРТМАЧИ” деб аталувчи Томди тумани Маданият бўлими номидан низом асосида фаолият олиб борувчи мудир Ж.Утемуратова бир томондан ва бундан буён «ТАЪМИНОТЧИ» деб аталувчи “Ibrohim financial corporation” МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи директори Б.Жалилов бошқа томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартномага асосан «ТАЪМИНОТЧИ» куйидаги шартларга мувофиқ куйидаги жадвалда кўрсатилган ЛЭД экранларни етказиб беради ва ўрнатади, “Буюртмачи” эса товарларни қабул қилади ва тўловларни ўз вақтида тўлайди, кишлоқ хужалик махсулотлари захираси учун

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (сўмда)	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
	ЛЭД экран (12 кв.м.)	тўплам	1	159 500 000	159 500 000
	ЖАМИ				159 500 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 159 500 000 (Бир юз эллик тўққиз миллион беш юз минг) сўмни ташқил қилади

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги №414-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30% миқдориди (шартнома суммасидан 40% миқдориди) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. «ТАЪМИНОТЧИ» аванс маблағлари Бажарувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «ТАЪМИНОТЧИ» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда «ТАЪМИНОТЧИ» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманоманда) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Бажарувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Бажарувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Бажарувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Бажарувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Бажарувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш.

3.3. Бажарувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Бажарувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Бажарувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса – 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Бажарувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот Бажарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Бажарувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Бажарувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Бажарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Бажарувчи

ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Бажарувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга қелганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ихро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини туғати томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

10. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313- сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ТАЪМИНОТЧИ» "Ibrohim financial corporation" МЧЖ
Зарафшон шаҳар 1-кичик туман 7-уй 18-хонадон
х/р: 20208000705045141001 МФО: 00203 СТИР: 306279139
АТИБ "Ипотекабанк" Зарафшон филиали
Тел: +998930890800
 Рахбар Б.Жалилов (имзо)

«БҮЮРТМАЧИ» Томди тумани Маданият бўлими
Томди туман Янги Томди аҳоли пункти ШХР 401722860122447082310056002 СТИР 200019056 ОКОНХ 93690
Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Банк номи: Марказий банк ББ ХКМ Тошкент шаҳри Ягона Ғазначилик ҳисобварағи (ЯҒХ): 23402000100003001010 МФО: 00014, Ғазна СТИРи: 2011222919
Рахбар Ж.Утемуратова

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR**
Code ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH. JULDIZAY UTEMURATOVA
DOSHANOVNA

Imzolangan sana 21.12.2022 12:10

Hujjat kodi **RI7413711380**

Hulosa kodi **TB2706540024**